

ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ИНСТИТУТИНИНГ МАЗМУНИ ВА МОҲИЯТИДА ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ ИФОДА ЭТИЛИШИ

Ҳуқуқий давлат куриш жараёнида адолат тамойилларини қарор топтириш кўпқиррали жараёндир. Аввало, фуқаролар учун тенглаштириш эмас (бундай амалиётнинг оқибатлари яқин ўтмишдан яхши маълум), балки тенг имкониятлар яратиш – ижтимоий адолатни барқарор қилишнинг энг мақбул йўлидир.

Тенг ҳуқуқлар, эркинликлар – демократик тараққиётнинг ҳам талабидир. Фақат шундай шароитлардагина ҳар бир шахс ўз қобилятлари, меҳнати, иқтидори эвазига жамиятда муносиб ўринга эга бўлади ва бу ҳолат демократик тартибни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

“Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт”¹.

Президетимизнинг таъбирлари билан айтганда “халқ очликка, қийинчиликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин, аммо, адолатсизликка чидай олмайди”

“Адолат” сўзи минг йиллар давомида инсонга ҳамроҳ бўлиб келган. Асрлар давомида кишилар адолат учун курашган, мислсиз қурбонлар берган.

Адолат ҳақида жуда чиройли гапириш мумкин. Адолат ҳақида жуда узоқ гапириш мумкин. Аммо гап чиройли ва узоқ гапиришда эмас, балки ҳаётда адолатни ўрната олишда².

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Конституциямиз бошдан-оёқ адолат ғоялари билан суғорилган. Буни унинг биргина 8-моддаси мисолида кўриб чиқишимиз мумкин. Унга биноан, “Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади”.

Ушбу модда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муҳим хусусиятларидан бирини ўзида мужассамлантирган. Чунки унда белгиланган меъёр дунёдаги ҳеч бир давлатнинг

* ТДЮИ магистранти

¹ И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.11.

² И.А.Каримов. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б. 239.

Конституциясида учрамайди. Кўриб турибмизки, Конституцияда “Ўзбекистон халқи”, “Ўзбекистон фуқаролари” деган тушунчаларга таъриф берилаяпти. Бунга кўра, Ўзбекистонда туғилган ва унинг ҳудудида истиқомат қиладиган ҳар бир инсон миллатидан, ирқидан, қайси динга эътиқод қилишидан қатъи назар, Ўзбекистон халқини ташкил этади ва у республикамизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Конституциясининг кўпгина моддаларида халқ ҳокимиятчилиги расмийлаштирилади ва “халқ” тушунчаси батафсил очиқ берилди. Ўзбекистон тарихида қабул қилинган аввалги Конституциялардан фарқли равишда мазкур Конституция Ўзбекистон халқини ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, мусулмонлар, аскарлар ва ҳоказоларга ажратмайди. Унинг “назарида” ким қандай касбни эгаллашидан, қандай машғулоти тури билан шуғулланишидан, жамиятда қандай ўрин тутишидан, ижтимоий келиб чиқишидан ва бошқа ҳолатлардан қатъи назар, инсон ҳисобланади. Яъни, бошқача сўз билан айтганда, Ўзбекистонда туғилиб, шу ерда истиқомат қиладиган ҳар бир киши ишчими, деҳқонми, зиёлими, савдогарми, мулкдорми, ота-бобоси бой ёки камбағал ўтганлигидан қатъи назар, инсондир ва Ўзбекистон фуқаросидир.

Ваҳоланки, инсон ҳақида сўз кетар экан, унинг моҳиятини аниқлаб олиш зарур. Инсон – табиий куч, лекин у меҳнат қилиш, ишлаб чиқариш қobiliятига эга бўлганлиги учун табиатдан устун туради. Инсон халқнинг, жамиятнинг бир бўлагидир. Инсон сиёсий маънода кўпинча “шахс” деб юритилади. “Шахс” ибораси биологик, табиий мавжудот маъносида эмас, балки ижтимоий борлиқ субъекти маъносида ишлатилади. Демак, шахс ҳам жамоанинг, халқнинг бир бўлагидир бўлиб, уларнинг манфаатлари доимо уйғун бўлиши лозим. Ана шундагина чинакам ижтимоий адолат қарор топади.

Шахс сиёсий-юридик маънода кўпинча фуқаро деб аталади. Шунинг учун айтаётганимиз керакки, илгари Конституцияларда фуқаро ибораси ўрнига гражданин деган ибора ишлатиб келинган эди. Биринчи марта ушбу Конституцияда “фуқаро” деган ибора қўлланилди. Лекин “фуқаро” ибораси келиб чиқишининг ўзига хос тарихи бор. Маълумки, VIII асрнинг бошларида Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудуди Қутайба ибн Муслим бошчилигидаги араб қўшинлари томонидан босиб олинган эди.

Шундан сўнг Қутайба Ўрта Осийнинг туб аҳолисидан уйларининг ярмини арабларга беришини талаб қилиб, буйруқ берган. Хонадонларга кириб келган араблар ўзларини ҳазрат Алининг авлодлариданмиз, деб “оқсуяклар” сифатида таништирганлар ҳамда маҳаллий аҳолига фуқаролар – “қора халқ” сифатида қарай бошлаганлар. Шу вақтдан бошлаб аҳолининг хўжалар ва фуқароларга бўлиниши келиб чиққан эди. Худди шу сабабли ушбу Конституция лойиҳаси муҳокама қилинаётганда баъзи кишилар ундан “фуқаро” деган иборани чиқариб ташлаб, унинг ўрнига “гражданин” иборасини қўллашни таклиф қилган эдилар. Лекин уларнинг бундай таклифини қувватласак, унда “фуқаро” деган иборанинг ҳозирги вақтдаги ҳақиқий маъносини бузиб талқин қилган бўлар эдик. Чунки ҳозирги вақтда “фуқаро” тушунчаси янги маъно, янги мазмун касб этди ва инсоннинг чинакам ижтимоий маъносини акс эттириб турибди. Зеро, давлатимиз сиёсий жиҳатдан мустақил бўлиб, ҳеч қандай ташқи давлатнинг таъсирида ва таркибида эмас. Унинг фуқаролари ҳам сиёсий жиҳатдан озод ва эркин инсонлардир. Умуман “фуқаро” ибораси инсоннинг мазкур давлатга тааллуқлилиги маъносида ишлатилади. Шу туфайли фуқаролар давлат томонидан ўрнатилган маълум ҳуқуқларга эга ва маълум бурчларни бажаради. Конституциямизнинг энг муҳим демократик жиҳатларидан бири шундаки, унда инсон ҳуқуқлари фуқаро ҳуқуқларига қарши қўйилмаган, балки аксинча инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ўзаро уйғунлашиб кетган. Конституциянинг II бўлими “Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари”га бағишланган бўлса, ўнинг III бўлимида “Жамият ва шахс” ўртасидаги муносабатлар батафсил тартибга солинган.

Конституциянинг 8-моддасида белгиланган яна бир муҳим демократик руҳдаги қоида Ўзбекистон фуқароларининг миллий тенглиги тамойилининг мустаҳкамланишидир. Бу эса инсон ҳуқуқлари ҳақидаги халқаро ҳуқуқ меъерларига тўла мос бўлиб тушади.

Ўзбекистон халқини бу ерда истиқомат қиладиган юздан зиёд миллат ва элатлар ташкил қилади. Уларнинг барчаси тенг ҳуқуқли Ўзбекистон фуқароларидир.

Шундай қилиб, Асосий Қонунимиз Ўзбекистонда туғилиб, шу ерда истиқомат қиладиган ҳар қандай миллат ва элат вакилларини республиканинг тенг ҳуқуқли фуқароси сифатида расмийлаштириб, мамлакатмизда ҳақиқий ижтимоий адолатни кафолатлайди.